



ВИРУСЛИ ЖИГАР ЦИРРОЗИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Холикова Д.С

Андижон давлат тиббиёт институти

Илмий иш мақсади: Андижон вилояти қишлоқ аҳолиси орасида жигар циррозининг этиологик, эпидемиологик ва клиник ҳамда диагностик хусусиятларини ўрганиш, унинг профилактика чора тадбирларини такомиллаштиришдан иборат

Долзарблиги: Жаҳонда 2017 йилда жигар циррозидан 1,32 миллиондан ортиқ ўлим ҳолатлари кузатилган ҳамда, уларнинг 440 мингтасини аёллар ва 883 мингтасини эркеклар ташкил этган. Бу популяциядаги умумий ўлим кўрсаткичларини 2,4% ташкил этади. Жигар циррози инсонлардаги хасталиклар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, меҳнатга лаёқатсизлик сабаблари ва ўлим кўрсаткичларини ортиши бўйича сурункали касалликлар ўнталигига киради. Статистик маълумотларга кўра дунёнинг барча мамлакатларида ёш бўйича стандартлаштирилган ўлим даражаси 1990 йил ва 2017 йил оралиғида камайган ёки барқарор сақланиб қолган. Лекин Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари бундан мустасно. Ушбу мамлакатларда ёшга қараб стандартлаштирилган ўлим даражаси жигар касалликлари тарқалишининг кўпайиши ҳисобига ўсиб борган. 2017 йилда жигар циррозининг декомпенсация босқичи аниқланганларнинг умумий ҳолатига нисбатан 10,6 миллионни ва компенсация ҳолатидагилар 112 миллионни ташкил этган. Қайд этилган рақамларни тобора ортиб бориши ва касалликни қатор ҳолларда белгиларсиз кечиши уни ўрганиш муаммоси ўта долзарблигини тасдиқлайди.

Илмий ишни олиб бориш жараёнида жигар циррозини 2017 - 2022 йиллар давомида тарқалиши ўрганилди ва таҳлил қилинди. У вирусли гепатит негизида ривожланган ҳолларда (F0-F3) га ўтиши, яъни цирроз кузатилиши алоҳида формула



билан аниқланди: $(R_2 - R_1) (t_2 - t_1)$, бу ерда R_1 -биринчи ҳисобга олиш сони (2017), R_2 - қайта ҳисобга олиш сони; t_2 -ҳисобга олиш вақти; t_1 –қайта ҳисобга олиш вақти.

Гепатит ва жигар циррози бўйича ретроспектив олинган маълумотларга асосланиб йил давомида уни тарқалиш кўрсаткичи баҳоланди.

Ҳар йили гепатитлар 1,5% ортиб борди ва улардан 0,5% жигар циррозининг декомпенсация босқичига тўғри келди. Йил давомида 50% гепатитли беморларда жигар циррозининг декомпенсация босқичига ўтиши кузатилади ва бунинг сабабларини ҳар тамонлама чуқур ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш амалий тиббиёт учун муҳим ҳисобланади.